

БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ДОЛЗАРБ МАСАЛА ВА САМАРАЛИ ЕЧИМЛАР

ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТ ВА ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“ТИЛЛАР ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ” КАФЕДРАСИ

П.Ф.Ф.ДОКТОРИ (PHD)ДОТЦЕНТ

РИЗАЕВА ХУСНИЯ УБАЙЕВНА

Аннотация

Мазкур мақолада болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, зўравонлик турлари, унинг бола психологияси ва ривожланишига таъсири, оила, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда жамоатчиликнинг масъулияти ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва ҳуқуқий асослар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, зўравонлик, болаларни ҳимоя қилиш, оила, мактабгача таълим, психологик хавфсизлик, тарбия, ижтимоий ҳимоя.

Кириш. Бола – жамиятнинг энг қадрли бойлиги ва келажагидир. Унинг соғлом ўсиши, хавфсиз муҳитда тарбияланиши ҳамда ҳуқуқларининг таъминланиши давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Аммо бугунги кунда дунё миқёсида болаларга нисбатан жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонлик ҳолатлари учраб турибди. Бу ҳолатлар боланинг шахсий ривожланишига, руҳий саломатлигига ва ижтимоий муносабатларига салбий таъсир кўрсатади. Аслини олганда биз барчамиз фарзандларимиз учун яшаймиз, улар учун ишлаймиз, уларни кийинтириш, қорнини тўйдириш учун оворамиз. Ҳаётимиз мазмуни бўлган болаларимизга ўзимиз ҳам зўравонлик қиламиз, уришамиз, керак бўлса ” яхшилаб тазири” бериб қўямиз. Лекин фарзандларимиз ҳеч нарса бўлмагандек яна ёнимизга келиб суйкалишади, эркалинишади.

Шу сабабли болаларни ҳар қандай зўравонликдан ҳимоя қилиш, улар учун хавфсиз таълим ва тарбия муҳитини яратиш замонавий педагогиканинг ва оналарнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Болаларга нисбатан зўравонлик тушунчаси - бу боланинг жисмоний, руҳий ёки ижтимоий ривожланишига зарар етказувчи ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифига кўра, болаларга нисбатан зўравонлик деганда боланинг соғлиғи, ҳаёти, кадр-қиммати ва ривожланишига зарар етказувчи ҳар қандай жисмоний ёки эмоционал муносабат тушунилади.

Болаларга нисбатан зўравонлик турлари

1. Жисмоний зўравонлик. Болага нисбатан куч ишлатиш, уриш, калтаклаш, тан жароҳати етказиш каби ҳаракатлар жисмоний зўравонлик ҳисобланади.

Масалан: уриш; туртиш; калтаклаш; игна тикиш, ёқиб юбориш; қаттиқ жисмлар билан уриш, жазолаш.

Мактабгача таълим ташкилотидаги иш тажрибамдан келиб чиқиб мисол келтираман. Хасан ва Хусан ака укалар 6 ёшлигида тайёрлов гуруҳида юришар, тарбиячи ва мутахассис педагоглар уларнинг тўполонидан шикоят қилар эдилар. Болалар билан суҳбат жараёнида жисмоний тарбия машғулотини ёмон кўришларини айтишди. Сабабини сўраганимда улар ҳар куни уйда бурчакда оғир нарсаларни кўтариб туришлари, жисмоний ҳаракатларни бажариш орқали болалар жазоланишларини айтишди. Психолог болалар билан ишлаш жараёнида мана шу зўравонликнинг оқибатларини аниқлади. Болаларда тана жароҳатлари, кўркүв, агрессивлик ва ўз-ўзига ишончнинг пастлиги аниқланди.

2. Психологик (эмоционал) зўравонлик. Болани ҳақорат қилиш, камситиш, таҳқирлаш, кўркүтиш ёки унинг ҳис-туйғуларини менсимаслик психологик зўравонлик ҳисобланади.

Яна мисол келтираман. Мухаммадризо исмли 6 ёшли тарбияланувчи ўзини жуда ёмон кўради, ” Аллоху акбар, аллоху акбар, аллох жонимни ол” –дея йиғлайди. Бунинг сабабини ўрганганимизда болани доимий танқид қилишлари, у катта

фарзанд бўлгани учун унга бақиришлари, қўшни болалар билан солиштиришларидан ҳабар топдик. Бола ота-онанинг меҳр ва эътиборидан маҳрумқилинган. Бир куни бола хожатхонага кириб додлаб йиғлаяпти. Сабабини сўраганимда мен оддийгина 6 тали фломастер сўрадим, укаларимга айтганлари олиб беришди. Менга эса олиб беришмади деб жавоб берди. Албатта болага хоҳлаган нарсасини олиб бердик, лекин бу билан боланинг кўнгли тўлмади. Чунки биз ота-она эмасмиз. Албатта бундай болаларда депрессия, ўзини қадрсиз ҳис қилиш, ижтимоий мослашишда қийинчиликлар бўлади.

3. Жинсий зўравонлик. Болага нисбатан ҳар қандай жинсий ҳаракат ёки эксплуатация жинсий зўравонлик ҳисобланади. Бу ҳолатлар:

боланинг розилигисиз жинсий ҳаракатлар, номақбул тегинишлар, интернет орқали жинсий таъқиблар, болалар порнографиясига жалб қилишлар болаларни оғир руҳий жароҳат, депрессия, қўрқув, ижтимоий ажралиш,

келажакдаги муносабатларга салбий таъсир каби оқибатларга олиб келади.

4. Эътиборсизлик. Боланинг асосий эҳтиёжларини таъминламаслик ҳам зўравонликнинг бир кўриниши ҳисобланади. Булар: вақтида тўлақонли овқатлантирмаслик; касал бўлганда тиббий ёрдам кўрсатмаслик; таълим олиш имкониятини чеклаш ва уни назоратсиз қолдириш оқибатлари қуйидагича бўлиши мумкин. Бола ривожланишдан ортда қолади, саломатлигида муаммолар бошланади, ижтимоий мослашиш қийинчиликларига дучкелади.

Албатта бу зўравонликлар бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Зўравонлик боланинг барча ривожланиш соҳаларига таъсир кўрсатади.

Руҳий таъсир – бу стресс, депрессия, қўрқув, тушкунлик, охир-оқибатда ўз жонига қасд қилиш фикрлари уйғонади.

Когнитив таъсир– диққатнинг пасайиши, хотиранинг сусайиши, таълимда қийинчиликлар, интеллектуал ривожланишнинг секинлашишига олиб келади.

Ижтимоий таъсир – мулоқотда муаммолар, ёлғизлик, тажовузкорлик, жамоага мослашишда қийинчиликларга олиб келади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг ўрни ҳақида гапирар эканмиз, мактабгача таълим ташкилотлари болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтаман. Ташкилотда тарбиячилар ҳар бир боланинг эмоционал ҳолатини кузатишлари, шубҳали ҳолатларни аниқлашлари, ота-оналар билан ҳамкорлик қилишлари, болани психологик қўллаб-қувватлашни ташкил қилишлари лозим. Мактабгача таълим ташкилотида ҳар бир бола учун хавфсиз муҳит яратиш, ота-оналарга болалар ҳуқуқлари ҳақида тушунча бериш, зўравонликка қарши профилактик тадбирлар ўтказиш керакки, токи ота-оналар амалга оширилаётган ишларни муҳим эканлигини тушунсинлар.

Тарбияда оиланинг масъулияти чексиз. Оила боланинг биринчи тарбия мактабидир. Болани зўравонликдан ҳимоя қилиш аввало ота-онанинг вазифаси ҳисобланади. Ота-оналар:

- болага меҳр кўрсатиши;
- унинг фикрини тинглаши;
- адолатли муносабатда бўлиши;
- жазо ўрнига тушунтириш усулидан фойдаланиши;
- хавфсиз муҳит яратиши зарур. Соғлом оила муҳити болада ишонч, меҳр ва ижтимоий фаолликни шакллантиради.

Биз бола тарбиясида уни турли зўравонликлардан ҳимоя қилишда жамоатчилик ва давлатнинг ёрдамига таянамиз. Болаларни ҳимоя қилиш фақат оила ёки таълим ташкилотининг эмас, балки бутун жамиятнинг вазифасидир.

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла институтлари, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамкорлик қилиши лозим. Жамоатчилик болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маданиятини шакллантириши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд. Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар:

Birlashgan Millatlar Tashkilotining «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»си, О‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risidagi Qonun, Ta’lim to‘g‘risidagi Qonun, Bolalarni zo‘ravonlikning barcha shakllaridan himoya qilishga oid me’yoriy hujjatlar.

Ушбу ҳужжатлар болаларнинг ҳаёти, таълим олиши, соғлиғини сақлаш ва хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича мутахассис сифатида қуйидаги тавсияларни бераман:

1. Ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш.
2. Мактабгача таълим ташкилотларида психологик хизматни кучайтириш.
3. Болалар ҳуқуқлари бўйича тарғибот ишларини кенгайтириш.
4. Зўравонлик ҳолатларини эрта аниқлаш механизмларини такомиллаштириш.
5. Интернет ва ахборот хавфсизлиги бўйича таълим бериш.
6. Оила–мактабгача таълим ташкилоти–маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.
7. Болалар учун ишонч телефонлари ва маслаҳат марказлари фаолиятини кенгайтириш.

Хулоса қилибшуни айтиш мумкинки, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш жамият тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Боланинг хавфсизлиги, ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш орқали соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш мумкин. Бу жараёнда оила, мактабгача таълим ташкилотлари, давлат идоралари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳар бир бола меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва хавфсизлик муҳитида ўсиш ҳуқуқига эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Данияров Б. Х. Принципы и приёмы оригинальной методики обучения русскому языку взрослых //Преподавание языка и литературы. – 2021. – №. 7. – С. 70-73.
2. Данияров Б. Х. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқи //Монография. Тошкент:“Сано стандарт. – 2019. – С. 171.
3. Данияров Б. Х. Проблемы лексической синонимии узбекского языка: Коннотативный аспект семантики номинативных единиц //Москва: Институт языкознания РАН. – 1994. – С. 80.
4. Данияров, Б. Х. "Комплексный анализ семантической структуры и функционирования лексических синонимов. Монография." *Ташкент: Издательство Bookmany print (2022).*
5. Ikromjon Habibjonov, Po‘lat Mo‘min ijodida odob-axloq masalalari, “Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal - Volume 2, Issue 4 / December, 2021. ISSN: 2181-063X.
6. Xanifa Jurayeva, I.Habibjonov, Namanganda tug‘ilmagan namanganlik (Sunnatulla Anorboyev tavalludining 100 yilligiga), “Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal - Volume 3, Issue 4 / December, 2022. ISSN: 2181-063X.
7. Ikromjon Toshpo‘lat o‘g‘li Habibjonov, Sovet ittifoqining soliq-bojxona tizimiga bo‘lgan munosabati, “Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal - Volume 3, Issue 3 / September, 2022. ISSN: 2181-063X.
8. Xanifa Jurayeva, I.Habibjonov, Andersen asarlarida tarbiya motivi, “World of Philology” Scientific Journal / Volume 2, Issue 1 / March 2023. ISSN 2181-3630.
9. Икромжон Тошпўлат ўғли Ҳабибжонов, Солиқ-божхона терминологиясида дублетлик ва уни тартибга солиш масалалари, «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN: 2181-1601 ///// \\\\\ Volume: 1, ISSUE: 6.
10. Nasriyeva D. Tilshunoslikda diskurs va matn talqini //«ACTA NUUZ». – 2025. – Т. 1. – №. 1.3. – С. 307-309.

11. Nasriyeva Dilnoza, National-mental factors in the artistic discourse of isajon sultan (on the example of the novel “geneticist”), European journal of literature and linguistics, 2023. – P. 53-56.
12. Dilnoza Nasriyeva, Isajon Sulton badiiy diskursining milliy-mental xususiyatlari, Filologiya masalalari–yosh tadqiqotchilar nigohida, Vol. 1 No. 1 (2023).
13. Dilnoza Muhiddinovna Nasriyeva, **Isajon Sulton asarlarida pretsedent birliklar lingvomadaniy vosita sifatida**, FarDU ilmiy xabarlar, 25.08.2022.
14. Ubayevna R.H. Features of interaction between preschool children //Shokh library. – 2025.
15. X.U.Rizayeva, Maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarni milliy qadriyatlar asosida tarbiyalash, Ilmiy-nazariy va metodik jurnal, 2024, №8.
16. Rizaeva Xusniya Ubayevna, Batareykalar va ularning bola hayotidagi salbiy ta’siri, Лучшие интеллектуальные исследования, 2023/10/20, – В. 83-88.
17. Rizayeva Husnia Ubayevna, Features of interaction between preschool children, International Multidisciplinary Journal for Research & Development, Vol. 12 No. 01 (2025).
18. Urazbaevna N. R. Development of Creative Abilities of Future Preschool Teachers //European Journal of Humanities and Educational Advancements. – T. 4. – №. 4. – C. 174-175.
19. Nurjanova R. Bo‘lajak maktabgacha ta’lim tashkilolti tarbiyachilarida maxsus kompetensiyalarni shakllantirish //Science and innovation. – 2023. – T. 2. – №. Special Issue 9. – C. 449-452.
20. Urazbaevna N. R. Methodology of forming self-assessment skills in educators of school educational organizations //Confrencea. – 2023. – T. 4. – №. 04. – C. 375-378.
20. Urazbaevna, Nurzhanova R. "Development of Creative Abilities of Future Preschool Teachers." *European Journal of Humanities and Educational Advancements*, vol. 4, no. 4, 26 Apr. 2023, pp. 174-175.

21. Uljon Boboqulova, The artistic interpretation of historical female images in abdulla oripov's poetry, Navigating challenges and opportunities in a changing world, 2025-07-25.
22. Uljon Boboqulova, Reflection of the lyrical hero's personality in Abdulla Oripov's poems on the theme of mother, American Journal Of Philological Sciences (ISSN – 2771-2273), 2025/5/16.
23. Uljon Boboqulova, Ona obrazida lirik fojellikning aks etishi, Xorazm ma'mun akademiyasi axborotnomasi, 2025/5/4.
24. Uljon Boboqulova, Qizlar madhi. Ikki shoir talqinida, Til va adabiyot.uz, 2025/3.